Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 251 (6.442) 1987 йил 5 ноябрь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Бугун Тошкентда, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

ДЎСТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Эркин ЮСУПОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

Ўтган ҳафтада мамлакатимиз халқлари, бутун прогрессив инсоният XX асрнинг энг улуғ тарихий воқеаси — бўлмиш Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 70 йиллигини нишонлайди. 70 йил тарихий тараққиёт учун кичик бир давр. Баъзан инсоният тарихида юз йиллар ёки кетадиган, улардан бирон нишона ҳам қолмайди. Бутун мамлакатимиз, унда яшаётган ҳар бир миллат ва элатнинг тақдирида социалистик революция ғалабаси ва ундан кейин ўтган даврнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақиқатларга тенгдир.

Ўтган 70 йил ичида мамлакатимиз халқлари дастлаб онгида оилага бирлашиб КПСС раҳбарлиги остида, социалистик жамиятнинг афзалликлари ва имкониятларига асосланиб улкан тараққиёт йўлини босиб ўтдилар. Совет Социалистик республикалари иттифоқи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий юксалиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритиб жаҳондаги буюк қудратли мамлакатлардан бирига айланди, яшашликни мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган курашнинг таянчи бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг улкан ютуқлари ўтмишда империзмнинг чекка мустамлака ўлкаси бўлган Урта Осиё республикалари мисолида яққол намоён бўлмоқда. Урта Осиё халқлари қисқа бир тарихий давр ичида капитализмни қисман ёки тўла четлаб ўтиб, ҳозирги давр тараққиётининг юксак чўққиларига кўтарила олдилар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси натижасида қўлга киритган улкан ютуқларимиздан бири — дунёда биринчи кўпмиллатли социалистик давлатнинг ташкил топиши, ундан ортиқ миллат ва элатларнинг дўстона ҳуқуқ ва тенгҳуқуқ асосида ҳардошлик оиласига ихтиёрий бирлашиши бўлди.

Агар инсоният тараққиёти тарихига назар ташласак халқларни бирлаштириш асосида ташкил топган қатор давлатлар кўп бўлганини кўрамиз. Лекин, бундай давлатлар халқларни, миллатларни зўрлик билан бирлаштиришга, миллий тенгсизликка асосланганги учун узоқ яшай олмади. Улар синфий ва миллий адоватлар ботқоғида тезда емирилиб кетдилар.

СССР халқларининг дўстлиги мамлакатимиз ривожининг асосчиси ва ташкилотчиси В. И. Ленин бўлди. У Россияда революцион ҳаракат кескинлашган дастлабки даврлардаёқ, синфий ва миллий зулм бениҳоя чуқурлашган мамлакатда миллий масала юзасидан чуқур илмий программага эга бўлолмай туриб ишчилар синфининг сиёсий курашига, миллий озодлик ҳаракатларига раҳбарлик қилиш мумкин эмаслигини кўрсатди. КПССнинг миллий масала юзасидан қабул қилган программасини В. И. Ленин ишлаб чиқди ва мамлакатдаги сиёсий кураш кескинлашиши билан боғлиқ равишда изчил ривожлантириб борди. Барча миллат ва халқлар тенглигини, улар ихтиёрий равишда ўз тақдирларини ўзлари белгилашини тан олиш, миллий зулмни, адоват ва камситишларнинг ҳар қандай формасини кескин қоралаш мустамлака чекка ўлка халқларининг Россия ишчиларига, унинг революцион партиясига умид ва ишончи ортишига, миллий озодлик ҳаракатлари эса пролетариатнинг революцион кураши билан яқинлашишига олиб келди. Октябрь революцияси арафасидаёқ рус ишчилари, илғор зиёлилари маҳаллий меҳнаткашлар манфаатларининг ҳимоячиси сифатида иш олиб бордилар. Уша даврлардаёқ илғор рус зиёлилари ўзбек деҳқонларини энг меҳнатсевар, чидамли, ҳалол ҳамда энг эзилган, ташқшоқ кишилар деб баҳо берган эдилар.

Рус халқи, биринчи навбатда, рус ишчилари билан яқиндан танишиш ва алоқа боғлаш ўзбек меҳнаткашларининг тақдирида бениҳоя катта роль ўйнади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган дастлабки кунлардан бошлаб В. И. Ленин ва у раҳбарлик қилган Коммунистик партия миллий масалани адолатли равишда изчиллик билан ҳал этишга катта аҳамият берди. Россия халқлари ҳуқуқлари Декларациясининг эълон қилиниши ва унда олдинга сурилган принципларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Инсоният тарихида пролетариат диктатураси даврлари биринчи маротаба миллий адоват, зулм ва тенгсизликнинг ҳар қандай формаларига абадий хотима беролганлиги, ҳар бир миллат ва халқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканлигини, миллий тиллар, маданиятлар, урф-одатлар, эътиқодлар ҳурмат қилинишини эълон қилди. Миллий масала юзасидан бундай ҳуррият инсоният тарихида бирон халққа берилмаган эди. В. И. Ленин декларацияни ишлаб чиқиш билангина чекланмай, уни изчиллик билан амалга оширишга ҳам бевосита раҳбарлик қилди.

В. И. Ленин шу нарсани қайд этдики, миллий масала юзасидан программани эълон қилиш билангина чекланиши лозим эмас. Бу программанинг моҳиятини амалий ишлар билан, конкрет амалга оширилган тадбирлар билан исботламоқ керак. Ўтмишда мустамлакачилик зулми остида эзилган халқлар, асосан, саводсиз деҳқонлардан, чорвадорлардан иборат бўлгани учун улар пролетариат диктатураси давлати ва унинг моҳиятига эълон қилинган шиорларга эмас, балки амалий ишларга қараб баҳо берадилар. Миллий масалани изчиллик билан ҳал этиш ниҳоятда қийинлигини ҳисобга олиб В. И. Ленин Туркистондаги маҳаллий партия ва Совет ташкилотларига ёрдам бериш учун ўзининг энг йирик, катта сиёсий кураш тажрибасига эга бўлган сафдошларини юборди. М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. Орджоникидзе, Рудзутак, Кобозев сингари етук раҳбарлар, мамлакатимизнинг марказий районларидан келган рус ишчилари, зиёлилари Урта Осиё ва Қозоғистонда ўтмишдан мерос бўлиб қолган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқликка хотима беришда, миллий масалани конкрет шароитларни ҳисобга олиб ҳал этишда меҳнаткашларга, партия ва совет ташкилотларига катта ёрдам кўрсатдилар. Бу улкан ёрдамни унутишга, ёки уни бузиб кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Билимли, виждонли кишилар бундай қила олмайдилар ҳам.

Мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш осонликча, тўла-тўғри, равон йўлдан борғани йўқ. Бундай катта сиёсий-ижтимоий масалани биз инсоният тарихида биринчи маротаба ҳал этдик, зеро уни ўрганиш ва бирон андоза олиш мумкин бўлган тажриба ҳам йўқ эди. Шу сабабли бу йўлда маҳаллий меҳнаткаш аҳолига, кадрларга, миллий тил ва маданий меросга муносабат масаласида айрим камчиликлар, қўпол хатоликларга ҳам қўл қўйилди. Лекин Коммунистик партия бундай хатоларни очиб, ўз вақтида тузатиб борди. Бу эса маҳаллий меҳнаткаш омманинг синфий миллий онги ўсишида, сиёсий активлиги кучайишида катта роль ўйнади.

Социализм қуриш ва мустаҳкамлаш жараёнида мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланиб борди ва даврнинг катта жиддий синовларидан ўтди. Советлар мамлакатининг, ҳар бир иттифоқчи республикасининг ютуғи бутун совет халқининг ғалабаси сифатида шаклланди ва ривожланди.

КПСС XXVII съезди ўтмиш тажрибасини ленинча принципиаллик билан чуқур таҳлил қилиб берди ҳамда совет халқи олдига қайта қуриш ва жадаллаштиришдан иборат бўлган улкан тарихий вазифани қўйди. Бу вазифа социализмга хос бўлган реаль имкониятлардан тўла фойдаланишни, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётда туб бурилиш ясашни тақозо этади.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш мамлакатимиз халқлари ўртасидаги миллий муносабатларни тобора такомиллаштириб бориш вазифасини ҳам ўз ичига олади.

[Давоми 3-бетда].

КПСС XXVII съезднинг ленинча революцион йўлидан — тинчлик ва қайта қуриш йўлидан совет кишиларининг энг яхши турмуши сари олға!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

ЗАМОНДОШИМИЗ 70



Коммунист намунаси

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев «Октябрь ва қайта қуриш: революцион давом этмоқда» мавзуидаги докладида шундай деган эди: «Партиямиз сафларида салкам йигирма миллион коммунист — мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг ўндан бир қисми аъзодир. Бу ғоят катта куч. Аммо қайта қуришга партиявий таъсир ўтказиш потенциали ҳали тўлатўкис ишга туширилган эмас». Бу сўзлар чуқур маънога эгадир. Айниқса мамлакатимиз миқёсида XIX партия конференциясига тайёргарлик кўриш чоғида ҳар бир коммунист ўзига ҳисоб бермоғи, кунт билан олиб борилаётган қайта қуриш ишини янада яхшилашга ўз муносиб ҳиссасини қўшиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоғи керак. Василий Иванович Крежев бугунги кунда меҳнат коллективларида, аҳоли турар жойларида, ҳунар-техника билим юртлари, мактабларда ўтказилаётган учрашувларда бу фикрни қайта-қайта таъкидламоқда.

1932 йилдан КПСС аъзоси В. И. Крежев мана ўн саккиз йилдирки, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида экскурсовод бўлиб ишламоқда. Унинг тез-тез учрашувларга таклиф этиб туришади. У революция, гражданлар урушн қатнашчиларининг жасоратлари, босмачиларни тор-мор қилиш учун бўлган жанглар, Улуғ Ватан урушидаги коммунистлар, оддий совет кишиларн кўрсатган жасорат ҳақида сўзлаб беради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги олдидан барча экскурсоводлар қаторн у оммавий-сиёсий тадбирларнн тайёрлашда катта ташкилотчилик ишларн олиб борди. Василий Ивановнч қайси даврда бўлмасин, ҳамиша партиямиз коммунистлар зиммасига, ҳар бир кишн зиммасига қайта қуриш ва жадаллаштирш даврида алоҳида масъулият юклаганлигини, ҳозир қуруқ сўзлан амалий ишга ўтиш даври келганлигини таъкидлайди. Бунда эса коммунистлар намуна бўлишлари лозим. Докладда таъкидлаб ўтилганидек, социализмни ривожлантиришнинг ҳозирги ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга ўз янгилиги билан илҳомлантирувчи босқичида совет жамиятининг авангардига нисбатан талаб ана шундай!

СУРАТДА: 1932 йилдан КПСС аъзоси Василий Иванович Крежев.

Р. Шарипов фотоси.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

4 ноябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида партия ветеранлари, Улуғ Октябрь социалистик революцияси, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши, социалистик қурилиш қатнашчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланди.

Учрашув бошланишидан олдин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев ветеранларни қабул қилдилар. Ветеранларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Президиумлари, Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлигида амалга оширилган Октябрь революциясининг буюк аҳамияти очиб берилди, Совет халқи 70 йил давомида босиб ўтган тарихий йўл илмий жиҳатдан асосланган ҳолда холисона таҳлил этилди, совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш йўллари белгилаб берилди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда юз берган ҳисса қўшганликлари учун кекса авлод вакилларига миннатдорчилик билдирди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган қўшма тантанали мажлиси ҳақида сўзлаб берди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Кремлдаги Съездлар саройида қилган «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуидаги докладидан олган таассуротларини ўртоқлашди.

Бу докладда, деб таъкидланди учрашувда, Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлигида амалга оширилган Октябрь революциясининг буюк аҳамияти очиб берилди, Совет халқи 70 йил давомида босиб ўтган тарихий йўл илмий жиҳатдан асосланган ҳолда холисона таҳлил этилди, совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш йўллари белгилаб берилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганликлари учун кекса авлод вакилларига миннатдорчилик билдирди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўзбек халқи ҳаётида рўй берган улкан социал ўзгартишларга, деб уқтирилди учрашувда, янги ижтимоий тузумни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун, республикани индустриал, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг фаол қатнашчилари бўлмиш ветеранлар катта ҳисса қўшдилар. Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабада улар бебаҳо роль ўйнадилар. Улуғ Октябрь байрами арафасида республиканинг барча меҳнаткашлари кекса авлод вакилларининг хизматларига чуқур ҳурмат билан қараётганликлари уқтириб ўтилди. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон барча совет халқларининг қардошларча ёрдамига таяниб, тарихан қисқа муддат ичида экономика, маданиятни ривожлантиришда жозибадор муваффақиятларга эришди. Ҳали ҳеч ким ўтмаган йўлдан борган социалистик жамият бинокорлари кўп қийинчиликларни енгиб ўтишларига, хатолар аламларини чекишларига тўғри келди. Ҳозир мамлакатимизда авж олдириб юборилган қайта қуриш, ижтимоий ҳаётни кенг демократиялаш Улуғ Октябрь бошлаган революцион ўзгартишларнинг янги даврини бўлиб қолди. Ветеранлар республиканинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда партия олға сурган жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш, турғунлик, олға томон ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилаётган ҳамма иллатларга барҳам бериш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишга фаол қўшилдилар.

Учрашувда партия ва ҳукумат халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, социал муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлар ҳақида гапирилди. Пахта йиғим-теримидаги қолоқликни тугатиш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги учрашув ва суҳбат чоғида ветеранлар ўзларига отаарча ғамхўрлик қилаётганлиги, уларнинг Ватан олдидаги хизматларига юксак баҳо бераётганлиги учун Коммунистик партияга самимий миннатдорчилик билдирдилар. Фикрлашув чоғида большевиклар шонли гвардиясининг намояндалари доклад ва Кремлдаги Съездлар саройидаги тантанали мажлис қатнашчиларининг нутқлари уларга жуда катта таъсир қилганлиги ҳақида гапирдилар. Ветеранларнинг қалблари оптимизм билан. Улуғ Октябрь ғоялари ҳозирги бурилиш даврида янада революцион тараққиётга эришиб, социализм имкониятларидан самаралироқ фойдаланишга хизмат қилишига ишонч туйғулари билан тўлиб-тошди.

Учрашув қатнашчилари кекса авлод вакиллари бундан буён ҳам революцион сафда туриб, қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда, ёшларни совет ватанпарварлиги ва қардошларча интернационализм руҳида тарбиялашда партияга актив ёрдам бераверади, деб республика ветеранларининг катта отряди номидан ваъда бердилар.

Ветеранлар билан учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Биз ҳаммамиз — пахтакормиз



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	0,76	82,12
Бухоро	0,92	81,15
Сурхондарё	1,27	77,33
Тошкент	1,43	72,88
ҚҚАССР	0,94	71,70
Жиззах	1,83	70,93
Сирдарё	1,47	67,39
Фарғона	0,39	63,65
Қашқадарё	0,87	56,17
Наманган	0,51	55,48
Навоий	0,89	51,45
Андижон	0,07	49,96
Самарқанд	1,50	49,70
Республика бўйича:	0,95	65,29

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР ҒАЙРАТИ

Н. Крупская номли мактабгача тарбия педагогика билим юртининг студентлари Жиззах область Арнасой районидаги С. К. Тимошенко номли совхоз далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни териб олишда дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Ўқитувчиларимиздан Бахтиёр Умеров, Саидазиз Орипов етакчилик қилаётган студентлар бригадалари пешқадам бригадалардан ҳисобланади, — дейди штаб бошлиғи, билим юрти партия ташкилотининг секретари Тўлқин Асқарович Абдураҳмонов.

3-курс ўқувчиларидан Сайёра Салоҳиддинова, Зулфия Аҳмедова, Шаҳноза Ўрмонова, Гулсара Ғайбуллаева, Дилдора Жуманова кунига 100—130 килограммдан пахта териб, тенгдошларига намуна бўлмоқдалар.

Ҳашарчилар орасида социалистик мусобақа ташкил этилган. Биринчи ўринни эгаллаган бригадага 100 сўм, иккинчи ўринни эгаллаганларга 75 сўм, учинчи ўринни эгаллаганларга 50 сўм мукофот таъсис этилган. Ундан ташқари ҳар бир бригададан уч нафар пешқадам теримчи-ўқувчи рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлади.

Ҳ. ШОДИЕВ.

* * *



СУРАТЛАРДА: ҳашарчи ўқувчилар ҳаётидан лавҳалар.

Автор фотолари.

Тонгги газеталарда

⊙ Улуғ Октябрь 70 йиллиги байрам қилинишига ўз делегацияларини юборган партиялар ва ташкилотлар билан олдиндан келишиб олингандек, 4 ноябрь куни Москвада ана шу делегациялар учрашуви бошланди.

Учрашув қатнашчилари якдиллик билан шу учрашувда КПСС делегациясининг бошлиғи М. С. Горбачев раислик қилсин, деган фикрни айтдилар.

Эрталабки ва кечки мажлисда бир қатор партиялар ва миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари, шу жумладан ўртоқ М. С. Горбачев сўзга чиқдилар. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

⊙ 3 ноябрь куни Москвада «Октябрь, қайта қуриш ва ҳозирги дунё» мавзуида бўлиб ўтган матбуот конференцияси ҳақида ҳисобот берилган.

ТАРИХНИНГ ЎЧМАС САҲИФАЛАРИ

ТОШКЕНТ—1917 ЙИЛДА

1917 йил июнь ойида ўзбек ишчилари рус ишчилари билан ҳамкорликда касаба союзлари тузишда актив қатнашдилар ва контрреволюцион ҳукуматга қарши кураш олиб бордилар. Бу вақтга келиб коммунистлар бошчилигида Советлар ҳокимияти учун кураш кучайган эди. Эски шаҳар касаба союзларини тузишда ўзбек ишчиларидан А. Абдусаматов, Ж. Камолов, О. Бобожонов, М. Мирҳодиев ва бошқалар актив иштирок этишди.

Тошкент большевиклари етакчилигида завод ва устахоналарда бўлишиб, кенг тушунтириш ишлари олиб боришди. Июнь ойида маҳаллий миллат қурувчилари ва пойафзалчиларининг дастлабки ишчи касаба союзларини тузилди. Бошқа касбдагилар касаба союзларини тузиш ишлари ҳам кенг авж олдириб юборилди.

Бу ишларнинг ҳаммасида 1917 йилнинг март ойида РСДРПнинг Тошкент ташкилоти составига Н. Шумилов, Ф. Колесов, В. Бауман, А. Казаков, Д. Манжара, В. Ляпин ва бошқалар қаторида маҳаллий миллат вакилларидан О. Бобожонов, Ж. Камолов, Т. Абдураҳмонов, М. Мирҳодиев, А. Абдусаматовларнинг аъзо бўлиб кириши катта роль ўйнади. Большевиклар бошчилигида фақат Тошкентдагина эмас, Самарқанд, Андижон, Қўқон ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ишчилар ва солдатлар революцион курашга отландилар. Аммо бу курашда революцион ҳаракатнинг етакчиси бўлган Тошкент ишчилари муҳим роль ўйнадилар.

●

1917 йилнинг бутун ёзи шаҳарнинг кўпгина корхоналарида митинглар ўтказиш ва иш ташлашлар билан ўтди. Уларда ишчилар ҳокимиятни Советларга беришни талаб этишар, саккиз соатлик иш кунини жорий этишни, иш ҳақининг оширилишини талаб этишарди. Ишчиларга деҳқонлар ҳам эргашди.

Кўп ўтмай Тошкентда касаба союзлари сони 44 тага етди. Касаба союзлари Самарқандда, Андижонда, Қўқонда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилди. Тошкентда эса барча касаба союз ташкилотларига раҳбарлик қилиш учун касаба союзлари Марказий бюроси ташкил этилди.

●

Большевиклар партиясининг VI съезди бутун мамлакатимизда социалистик революцияни тайёрлашда катта роль ўйнади. Бу съезд большевиклар ва меҳнаткашларни қуролли қўзғолонга чорлади.

Тошкентдаги сентябрь воқеалари Туркистонда ҳам революцион ҳаракат пишиб етилганлигини кўрсатди. 12 сентябрда Александров боғида (ҳозирги темирйўлчилар хиёбонида) эски шаҳар ишчи, солдат ва меҳнаткашларининг жуда катта митинги бўлиб ўтди. Унда 7 мингга яқин киши иштирок этди. Митинг қатнашчилари большевикларнинг таклифларини қўллаб қувватладилар.

Сентябрь кунларида Тошкент большевиклари ўзбек камбағаллари ўртасида жуда катта иш олиб боришди. Янги шаҳар ва эски шаҳар меҳнаткашларининг революцион ташкилотлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида махсус группа ташкил этилди. Унга Н. В. Шумилов, Г. М. Цвиллинг, А. Ф. Солькин, Н. Ҳўжаев ва бошқалар кириши дин.

Сентябрь воқеалари мобайнида ишчилар, солдатлар ва ўзбек камбағаллари ўз ҳимоячилари большевиклар эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар ва уларни қўллаб-қувватладилар. Большевикларнинг таъсири тобора ўсиб борди.

●

1917 йилнинг октябрь ойида эса ишчи, солдат ва ўзбек камбағалларининг революцион ҳаракати кучайди. Октябрь революцияси арафасида бу ҳаракат кескин кўтарилди.

Петроградда қуролли қўзғолон ғалаба қозонгандан сўнг бу бутун Туркистон меҳнаткаш оммасини руҳлантириб юборди, улар революция душманларига қарши актив курашга отландилар.

Петроградда Октябрь қуролли қўзғолони ғалаба қозонган кун — 25 октябрда Тошкент большевикларининг Тошкент Совети ижроия комитети аъзолари иштирокидаги ёпиқ йиғилиши бўлиб ўтди. Унга Н. Шумилов ва А. Першин бошчилик қилдилар. Унда қўзғолон плани муҳокама этилган эди. Тошкент Совети ўзининг вакиллари В. Н. Финкельштейн, А. Н. Колесников ва бошқаларни Қўқон, Самарқанд, Жиззах, Қушка ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларига қуролли қўзғолонни тайёрлаш учун юборишга қарор қилди.

●

Эски шаҳарда қуролли қўзғолон арафасида большевиклар ташаббуси билан эски шаҳар касаба союзлари активининг қўзғолонни тайёрлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Ана шу йиғилишда Тошкент партия ташкилотининг вакили тайёрланаётган қуролли қўзғолон ҳақида гапириб берди ва унда актив қатнашишга даъват этди.

●

Тошкентда қуролли қўзғолонни тайёрлаш ва уни амалга оширишда қатнашганларнинг катта матонатлари ва жасоратлари тарихнинг саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди!

Улар кимлар эди?

В. Ляпин, А. Першин, Ж. Камолов, С. Тошхўжаев, Н. Рустамбеков, Т. Ўтбосаров, Д. Э. Аликов, Н. Хўжаев, Т. С. Голиков, А. Раҳимов, А. А. Губрев, И. Н. Гусанов, А. Толипов, А. Н. Михайлов, Т. А. Паршин, Г. М. Саричев, Ш. Холмуҳамедов, ака-ука А. ва С. Қосимхўжаев ва бошқа кўплаб кишилар актив қатнашдилар.

Улуғ рус халқининг жуда катта қардошларча ёрдами билан, большевиклар партияси ва доҳиймиз В. И. Ленин раҳбарлигида Туркистон меҳнаткашлари асрий мустамлака зулмидан халос бўлдилар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди.

Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун қаттиқ кураш олиб борилди. Тошкент вакиллари большевиклари ленинча йўлни амалга оширишда мисли сиз қатъият ва матонат кўрсатдилар. Улар митинг ва йиғилишларда меньшевиклар ва эсерларни фош этдилар. Шаҳар большевистик ташкилоти ва Тошкент Совети меҳнаткаш оммасининг жуда катта ёрдамига таянган ҳолда, рус халқи мададида контрреволюционерларнинг қаршиликларини синдирдилар. Эски давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари — шаҳар думаси, эски милиция ва ҳоказоларни тугатиш ва янги давлат ҳокимияти органларини тузиш бўйича қизғин иш олиб борилди.

1917 йил Тошкент тарихида бутун мамлакатимиздаги сингари энг ҳаяжонли ва энг ёрқин йил, бутун меҳнаткаш омманинг асрий орзуси ушалган йил бўлди!

Ҳ. ИКРОМОВ.

Улар биринчи эди

Маршал мақтаган ўзбек йигити

ТОШКЕНТЛИК Миркомил Миршаропов Улуғ Октябрь социалистик революцияни даврида 17 ёшга тўлган эди. Миркомил темир йўл устахоналарида оқ гвардиячилар ҳужумини қайтаришда мардона жанг қилди.

1917 йил 28 октябрда Тошкентда қуролли қўзғолон бошланганда Тошкент Бош темирйўл устахоналари революцион кучлар маркази эди. Миркомил худди шу жойни мудофаа қилишда ярадор бўлади. Лекин у ўз постини ташлаб кетмайди. Жанг қилишда давом этади. Қўзғолончи ишчилар уни «Қаҳрамон Миша» деб аташади.

М. Миршаропов худди шу Октябрь кунларида туғилган биринчи қизил гвардия отряди солдатларидан бўлди. Ўзи шундай отрядлар тузишнинг ташкилотчиларидан бири ҳам бўлди. «Краснознамённий Туркестанский» деб аталган Туркистон ҳарбий округи тарихи китобида шундай сатрлар бор: «Қизил гвардия отрядларининг энг фаол ташкилотчилари Е. А. Бабушкин, Т. Бокин, О. Бобожонов, У. Башшев, Р. Т. Галкин, П. А. Ермолов, П. Н. Елецкий, И. Иброҳимов, М. И. Мураев, М. Миршаропов, А. Я. Першин, П. Г. Полторацкий, А. И. Фролов, Н. В. Шумилов, Б. Шахобиддинов ва бошқалар эди».

Таниқли партия ва совет ходимлари қаторида 18 ёшли М. Миршаропов номининг ёзилиши ҳам диққатга сазовордир. Гражданлар уруши шароитида ҳужум қилиб келаётган душманга қарши юбориш мумкин бўлган ҳарбий кучларни тузиш энг муҳим вазифа эди. Шу сабабли Қизил гвардия ва Қизил Армия отрядлари билан бир қаторда коммунистлардан, совет ходимларидан тузилган дружиналар вужудга келтирилди. Худди шу воқеалар билан М. Миршаропов фамилияси яна тилга олинади. 1918 йил 16 июль куни Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитети партия аъзоларини ва Совет депутатларини ёппасига қуроллантириш ва ҳарбий ишга ўргатиш тўғрисида фармойиш чиқарди. Мунтазам қўшинларга катта ёрдам берган партия дружиналари Туркистонда ана шундай вужудга келди.

Тошкент янги шаҳар ва эски шаҳар партия дружиналари ана шундай отрядлар бўлди. Янги шаҳар дружинаси штаби Совет кўчаси билан Гоголь кўчаси чорраҳасида жойлашган бўлса, эски шаҳар дружинасининг штаби Эски Жўвада, ҳозирги Калинин номли майдонидаги 1-босмахона биносида эди. Дружина штаби ранси уч инқилоб қатнашчиси Низомиддин Ҳўжаев эди. Эски шаҳар партия дружинасининг командири эса 18 яшар инқилоб жангчиси, большевик Миркомил Миршаропов бўлди. Бу дружина 1919 йил январида республика ҳарбий комиссари Осипов хонлик қилиб шаҳарда исён кўтарган вақтда Совет ҳокимиятини қаттиқ ҳимоя қилди.

Оқ гвардиячилар бутун шаҳарни эгаллаб революцияга содиқ кучлар тўплаган Тошкент Бош темир йўл устахоналарини яккалаб қўйишганда Миркомил Миршаропов ва Низомиддин Ҳўжаев бошчилигидаги эски шаҳар партия дружинаси оқлар қамалини ёриб ўтиб рус биродарларига ёрдамга келди.

Кейинчалик босмачиларга қарши курашда ҳам жасорат кўрсатган, жанговар орденлар билан мукофотланган командирлар қаторида М. Миршаропов ҳам бор эди. Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинлари қўмондони П. Дибенко, ўринбосари И. Грязнов, корпус қўмондони И. Федько, бригада командири Т. Шапкин қаторидаги полк командири М. Миршаропов ҳам мукофотланган.

1932 йилдан КПСС аъзоси, гвардиячи Кантемир дивизиясида полк комиссари сифатида жанг қилган майор Абдурашид Ширжонов ҳикоя қилишича, у 30-йилларда Миркомил Миршаропов командир бўлган 6-ўзбек кавалерия дивизияси 1-полки ҳарбий машқида қатнашган. Бу машқни СССР Мудофаа Халқ Комиссари К. Е. Ворошилов кузатган.

К. Е. Ворошилов Миршаропов раҳбарлигидаги машққа баҳо бериб, Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондонига шундай деган экан:



—«Қандай малакали ўртоқ тик маҳоратига қаранг. Таъ зўр бу йигитнинг».

Совет Иттифоқи Маршали данлар уруши қаҳрамони К. Ворошилов ёш ўзбек командири Миркомил Миршароповга ана шундай юксак баҳо берган эди.

Ўзбек халқининг жасур ўғли занди, Октябрь инқилоби ва сини Миркомил Миршаропов тинч дивизия командири вазифасида ишлаган. Кейинчалик у Ленинград лияда хизмат қилди. Ўз шараф билан оқлади: Мамлакатимиз Халқ Республикаси ордени билан тақдирланди.

Х. СОДИҚОВ, тарих фанлари кандидати.

СУРАТЛАРДА: партия ўғли, дивизияси командири М. Миршаропов. Ўзбекистон ССР отлиғидаги «Қизил рат» крейсери шахсий составининг зурида М. Миршаропов республика ҳукумати раҳбарлари билан. Ленинград, 1934 йил (ҳарбий суратларда Миркомил Миршаропов қан).







Она-Ватан бойл

Табиатнинг нодир гул

Оқ пахта, оппоқ пахта! Пахтага «оқ олтин» деб таъриф ҳам берилган. Аслида пахта олтиндан қиммат, бир сўз билан айтганда бебаҳо бойлигимиз, ифтихоримиз, шон-шавкатимиз! Зеро, пахта инсон учун кийим-кечак, ўрин-кўрпа, озиқ-овқат, қўйингчи унинг заруратига, ўнлаб-юзлаб эҳтиёжларда фойдаланишига сўз таърифи етмайди. Шунинг учун шоирлар уни «Пахта—инсоният гули» деб бежиз айтмайдилар.

Отахон шоиримиз Ғафур Ғулом «оқ олтин»имизни мана бундай тараннум этган.

Олтин сандиқ каби сахий Ватаннинг
Бутун бойликларин чўтга солган чоғ,
Пахта хазинаси бизнинг чаманнинг
Олмос поралари ёркин шамчироғ.

Она диёримиз Ўзбекистон ва унинг серқуёш пойтахти Тошкент тилга олинганда ҳар бир киши беихтиёр пахтани, оппоқ-момиқ «оқ олтин»ни кўз ўнгига келтиради.

Она-Ер бағрига осмон кенгликларидан қаралганда, космонавтлар таъриф-тавсиф этишларича сайёрамизнинг жуда кўп қисми ўсимликлар — яшиллик олами билан яшнаб турар экан. Биолог олимлар ҳисоб этишларича, фан оламига Ер юзида ярим миллион ўсимлик маълум. Инсоният ана шу ўсимликларнинг 23 минг туридан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келмоқда. Ҳар бир ўсимликнинг «қадр-қиммати»ни — фойдали томонини инкор этмаган ҳолда пахтани ўсимликларнинг гултожиси деб, дурдонаси деб баралла айтиш мумкин.

Ўзбекистонимизда пахта жуда қадимлардан экиб келинадики, бунга тарихий манбалар инкорсиз гувоҳлик беради. Машҳур шарқшунос олим В. В. Бартольд Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда пахта экиш VI асрлардан бошланган деб ёзади. Бу қадимийликни ҳам нисбий деб қараш мумкин. Археологларнинг қазув-қидирув экспедицияларидан топилган чигитлар ва ипдан тўқилган матолар диёримизда пахтачилик ҳатто эрамиздан олдинроқ пайдо бўлганини кўрсатади. Шундай экан, бизнинг қадим авлод-аждодларимиз, бобокалонларимиз пахта етиштиришни, унинг толаларидан турли буюмлар тайёрлашни, чигитидан озиқ-овқат маҳсулотлари олишни билганлар. Бир сўз билан айтганда, пахтачилик халқимизга бобокалон касб-кор ҳисобланади.

Хўш, Ўзбекистонимизда экилаётган пахта навларидан бошқача ғўзалар борми? Биология фанига ғўзаларнинг ўнлаб турлари маълум. Шундай ғўзалар борки, уларнинг баъзилари беш-олти метрлик дарахт бўлиб ўсади, айримларининг бўйи ярим метр атрофида бўлади. Баъзи ғўзалар дарахт каби ўсиб, йиллар давомида ҳосил беради, баъзилари эса икки-уч йил умр кўради. Ҳар йили экиладиган ғўзалар дунё бўйича, шу жумладан Ўзбекистонимизда ҳам кўплаб етиштирилади. Ғўзанинг яна шундай турлари борки, улар ҳар хил рангда: қизил, сариқ, пушти, жигарранг, гунафшаранг, кўк ва бошқа хил рангларда товланиб очилади. Бу хил ғўзаларнинг кўсаклари олча донасидан то тухум катталигигача бўлиб, ҳосили унумсиз ҳисобланади.

Ўзбекистонимизда экиладиган ғўза навлари серҳосил ва толаси пишиқлиги билан ажралиб туради. Пахтадан тайёрланган буюмларнинг олдига тушадиган нарса йўқ. Фан ва техника ривожланган бизнинг асримизда кимёвий усул билан кўплаб миқдорда сунъий толалар ишлаб чиқарилмоқда. Сунъий толалардан тўқилаётган ранг-баранг, ихчам ва енгил кийим-кечаклар, турли буюмлар ташқи кўриниши жиҳатидан пахта, ипак ва жундан тайёрланганларидан қолишмайди, уларни ҳеч камситиб бўлмайди. Аммо олимларнинг аниқлашларича, пахтадан тайёрланган кийим-кечаклар ва ҳамма буюмлар гигиеник хусусияти, намликни ўзига сингдириши жиҳатидан ҳар қандай сунъий толадан олдинда туради.

Пролетариат доҳийларидан бири Ф. Энгельс ўзининг «Пахта ва темир» мақоласида мана бундай деб ёзган эди:

«Пахта ва темир бизнинг давримизда энг муҳим хом ашёлардир. Ип газлама ва темир буюмлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда турган миллат, умуман олганда, саноати тараққий этган миллатлар ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда илгари айтилган ратда халқимиз етиб диган буюк бойликлари, у кўп миллатли лар мамлакатининг вати ва шон-шавкат рамзи эканлиги ғоят ифода этилганлигига ўқиймиз.

Ўзбекистон дала ана шундай бебаҳо бо «оқ олтин» бу йил кийинчиликлар билан тирилди. Бу бойликн лионлаб ўзбек пахтакорининг қалб кўри тери бор. Бу бойлик Октябрь инқилобининг кан тўйи — 70 йил совға этилди. Ана шу буюк орзу ҳозирда ю лаб теримчиларни пахталаларида жўш урдириғин меҳнатга чорлаган ҳаво инжиқликларига май халқимиз чидам «оқ олтин»ни мех шаққат билан жасорат сатиб териб олмоқда.

Халқимизда яхши удум бор. Нонни ҳеч қачон ерда қолдирмади. Пахта ҳам нондек ва мўътабар! Уни ерроф қилмай она-Ватанга улкан хирмонига олтин лик қилиб кўшамиз.

Тўлқин РАСУЛ

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ИСТИҚБОЛ САРИ

М. С. ГОРБАЧЕВ ДОКЛАДИ ХУСУСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Октябрь революцияси жаҳон тараққиётининг барча томонларига — сиёсат ва иқтисодга, социал соҳага ва замондошларнинг онгига ғоят чуқур таъсир ўтказди, деб таъкидланади КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев қилган доклад хусусида чет элларда билдирилган фикр-мулоҳазаларда.

***

БЕРЛИН: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» мавзуидаги докладида Совет давлатининг 70 йиллик тарихини зўр таассурот қолдирадиган мароқли таҳлил қилди, унинг тараққиёти асосий босқичларига ва бир қанча партия раҳбарларининг фаолиятига баҳо берди, деб таъкидлади **ГДР радиоси**нинг шарҳловчиси.

***

БУДАПЕШТ: совет раҳбарининг докладида қайта қуриш йўлида СССРда социализмни янада такомиллаштириш яққол намоён бўлмоқда, деб хабар қилди Венгриянинг **МТИ агентлиги**. Қайта қуришдан кузатилган мақсад — социализмнинг ленинча концепциясини назарий ва амалий жиҳатдан батамом қайта тиклашдан иборатдир. Бу концепцияда ўз идеаллари, манфаатлари бўлган меҳнат аҳли экономикадаги, социал, сиёсий муносабатлардаги, маданиятдаги инсонпарварлик қадриятлари қатъий равишда устун туради.

ПРАГА: М. С. Горбачев айтган гапларнинг ҳаммасидан шундай маъно келиб чиқадики, қайта қуриш натижасида социализм инсонга хизмат қилувчи ва уни улуғловчи реал инсонпарварлик тузуми сифатида ўз имкониятларини тўла-тўкис амалга ошириши мумкин ва лозим, деб хулоса чиқарди **Чехословакия радиоси**нинг обзорчиси.

***

СОФИЯ: ҳозир СССРда содир бўлаётган ўзгаришлар социалистик демократизмни ривожлантириш йўлида Октябрдан кейин қўйилган энг катта қадам деса бўлади, деб хабар қилди Москвадан **Болгария телевидениеси**нинг мухбири. Шу кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шундай бир вазиятда нишонланмоқдаки, у СССР аҳолисининг ғоят катта қўпчилиги қайта қуришни қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат бермоқда.

***

НЬЮ-ЙОРК: совет раҳбари ўртача олислик ракеталари ва оператив-тактик ракеталарни тугатиш тўғрисидаги битимни имзолашдан кўра кўпроқ нарсани кутмоқда, — деб хулоса чиқаради **ДДП агентлиги**. — Совет томони ана шу учрашувда ҳужум қуролларини чеклаш ҳамда космик қуролларга оид проблемани муҳокама қилишда ҳам сезиларли натижаларга эришишга ҳаракат қилади».

***

ДЕҲЛИ: совет раҳбарининг доклади янгича сиёсий тафаккур руҳи билан суғорилган, деб уқтиради **Ҳиндистон радиоси**. Москвадагилар шунга асосланишмоқдаки, ҳозирги дунё ниҳоятда зиддиятли эканлигига ва ундаги давлатлар ўртасидаги туб тафовутларга қарамай, бу дунё ўзаро алоқадор ва бир-бирига боғлиқ. Шу боисдан ҳам бизнинг ядро асримизда тинч-тотув яшаш бутун инсоният омон қолишининг шартига айланди. Эндиликда айни Октябрь, айни социализм инсониятга тинч истиқбол йўлларини кўрсатиб бермоқда.

«СИРЛИ ЕР»

Ҳамма нарсадан хабардор, ҳеч нарсага ажабланмайдиган, Ер юзида инсон қадами етмаган жой қолмади, деган фикрдаги билимдонлар барибир ноҳақ экан. Бу фикрнинг асоссиз эканлигини хитойлик геологлар яна бир бор исботладилар. Улар шимоли-шарқий Ляонин вилоятида ғаройиб ер майдонига дуч келдилар. Маълум бўлишича, маҳаллий аҳоли ана шу ердан ёзнинг жазирама иссиқ кунлари табиий музхона сифатида фойдаланар экан. Деҳқонлар «сирли ер» деб атаган ана шу майдонда ернинг остки қатлами июнь ойидан бошлаб кузнинг охирига қадар Цельсий бўйича — 12 даражани кўрсатади, қишда эса бутун табиат қонунларига хилоф равишда 17 даражагача исир экан. Уддабурро деҳқонлар унинг ана шу хусусиятларидан фойдаланиб, ана шу ерда ёзда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашар, қишда эса сабзавот етиштиришар экан.

Калейдоскоп

ЭҲТИМОЛЛИК НАЗАРИЯСИГА ХИЛОФ РАВИШДА

Кемаларнинг ҳалоқати билан боғлиқ архив материалларини диққат билан ўрганган инглиз олимлари ғаройиб бир фактга дуч келдилар. 1664 йилнинг 5 декабрида Ер (Жанубий Америка) қирғоқларини яқинида Англиянинг «Меней» кемаси ғойиб бўлиб кетган экан. Кейинчалик бошқа экипажи аъзоларидан бирортаси бир киши — Уильямс исмли денгизчи омон қолган экан. Бу ҳодиса қарангки, 1785 йил 5 декабрда Мэн ороли яқинида кучли тўфон туфайли бошқа инглиз кемаларидан ҳалокатга учрабди. Тасодифни қарангки, яккаю-ёлғиз аъзоларидан омон қолган ягона кишининг исми ҳам Хуго Уильямс экан.

Коммунист Саъдулла Мақсумов кўп йиллардан буён «Геологоразведка» заводида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ишда орттирган бой маҳорати эвазига у доимо топшириқларни ортиғи билан адо этиб, сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқда. III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени нишондори Саъдулла Мақсумов Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини йиллик планни муддатидан олдин бажарган ҳолда кутиб олмоқда.

СУРАТДА: С. Мақсумов иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ОКТЯБРНИНГ БУЮК ШАРОФАТИ

1917 1987

(Давоми. Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг июнь (1986) Пленумида кўрсатиб ўтганидек, СССРда ленинча миллий сиёсат танланиб, унга изчил амал қилиниши бу борадаги ҳамма ишлар бажарилиб бўлди, миллий муносабатлар борасида ҳал этилиши лозим бўлган ҳеч қандай масала қолмади, деган хулосага олиб келмайди. Миллатлар бор экан миллий муносабатлар ҳам бўлади. Миллатлар бир-бирларини ўрганиш ва такомиллаштириш масалалари социалистик жамиятни юксалтиришнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб қолаверади. Миллатлар, миллий манфаатлар ва улар билан боғлиқ бўлган проблемалар миллатлар ривожланиб қоладиган узоқ тарихий муддатда мавжуд бўлади. Миллатлар ўзаро яқинлашиши ва бир ўртасидаги иқтисодий-маданий, ахлоқий, психологик томонларни яқинлаштириб, интернационаллаштириб борадию, миллий хусусиятларни йўқотиб юбормайди. Жамият ҳаётидаги интернационаллашиш жараёни қанчалик кучайса, маданий, маънавий ҳаёт соҳасидаги миллий хусусиятлар ҳам ривожланиб, кенгайиб бораверади. Миллатларнинг яқин келажакда бир-бири билан қўшилиб кетиши ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси ҳам уйлаш ҳақиқатдан ниҳоятда узоқдир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети социализмни такомиллаштириш жараёнида миллий муносабатлар масаласига катта эътибор беришни, барча сиёсий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда уни тўла ва чуқур ҳисобга олишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимиздаги барча халқлар ва миллатларнинг мақсадлари ва манфаатлари бирдир. Бинобарин, ҳар бир иттифоқчи республиканинг ютуғи мамлакатимиз ютуқларининг ажралмас таркибий қисмидир. Буни Совет Ўзбекистони мисолида яққол кўрсатиш мумкин. Кўп миллатли республикамиз тараққиётини Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон халқлари, Белоруссия, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ саноати, Шимолий районларнинг кучли шароитларда иш олиб бораётган нефтчилар ва газчиларни, Болтиқбўйи республикаларни ютуқлари ва имкониятларидан ажратиб олиб қараш мумкин эмас. Ўзбек пахтакорининг меҳнати ва ютуқлари ҳам мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган жадаллаштириш жараёнининг ажралмас таркибий қисмидир. Шу сабабли мамлакатимиз олдида турган, ўн иккинчи беш йиллик ва ундан кейинги истиқбол режалари билан боғланган вазифаларни бажаришда ҳар бир Иттифоқчи республиканинг ишлаб чиқариш кучларидан, ресурс ва имкониятларидан тўла, оқилона фойдаланишнинг аҳамияти катта. Шу сабабли мамлакат бирликларидан каттароқ улуш олиш, умумий тараққиётимизга эса камроқ ҳисса қўшиш ҳолларига тезроқ хотима бермоқ зарур. Умумий мақсад йўлида бирга борар эканмиз, ҳамма нарсани, шижоат ва фидойилик билан меҳнат қилишлари зарур. Пахта етказиш борасида ҳам умумий ҳосил салмоғи эмас, балки сифат, жамиятимиз бойлигига қўшилаётган реал ҳисса кўрсаткичи ўрнида турмоғи керак. Ўзбекистон республикаларининг ҳам республика миллий даромади салмоғини белгилашда ҳисобга олинмоғи керак. Акс ҳолда ҳар бир иттифоқчи республиканинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини аниқ белгилаш имконияти йўқолади.

Ҳар бир республиканинг мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасини белгилаш, бу масалани тобора кўпроқ аҳамият касб этган ҳозирги кунда миллий даромаднинг шаклланиши манбаалари ҳақидаги эски мезонларни ҳам қайта кўриб чиқиш вақти келмадимикин?! Мамлакатимиз иқтисодий ҳаёти бир бўлган шароитда республикалар миллий даромадининг миқдорини аниқ белгилаб олиш қийин. Ахир муҳим шарти эканини ҳамма ерда ҳам бир хил тушунишаётгани йўқ. Сўнгги йилларда марказий матбуот саҳифаларида «Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш», «Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга оқизиш» деган важимали сўзлар кўпайиб кетди. Айрим кишилар важимага тушиб, мамлакатимизнинг Шимолий районларида рўй берадиган экологик фалокатлар ҳақида ваҳоланнос сола бошладилар. Ахир масаланинг моҳияти бундай эмас-ку! Сибирь—Ўрта Осиё канали қурилганида бу каналдан Обь дарёси йиллик оқимининг фақат олти процентигина юборилиши ҳақида ҳеч ким очиқ гапирмаяпти. Маҳаллийчиликка қарши курашиш мамлакатимизнинг айрим регионларидагина эмас, балки ҳамма жойда бир хил олиб борилмоғи зарур.

Ҳар бир республиканинг мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасини белгилаш, бу масалани тобора кўпроқ аҳамият касб этган ҳозирги кунда миллий даромаднинг шаклланиши манбаалари ҳақидаги эски мезонларни ҳам қайта кўриб чиқиш вақти келмадимикин?! Мамлакатимиз иқтисодий ҳаёти бир бўлган шароитда республикалар миллий даромадининг миқдорини аниқ белгилаб олиш қийин. Ахир

ДЎСТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

миллий даромадни хом ашёдан олинган охирги маҳсулотнинг таннархи ва реал фойдани ҳисобга олмай белгилаб бўлмайди-ку? Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 94 процентдан кўпроғи мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига хом ашё сифатида юборилади. Истеъмол учун тайёр бўлган маҳсулот ана шу ерда юзага келади. Пилла ва бошқа айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қоракўл ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Лекин тайёр маҳсулот яратилганидан кейин белгиланган реал фойда республика миллий даромади салмоғини белгилашда ҳисобга олинмай келмоқда. Республикаларнинг табиий ер ости бойликларидан фойдаланиш тажрибаси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Республикада жойлашган, Иттифоқ министрликларига қарашли йирик саноат корхоналарининг маҳсулоти ҳам республика миллий даромади салмоғини белгилашда аниқ ҳисобга олинмоғи керак. Акс ҳолда ҳар бир иттифоқчи республиканинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини аниқ белгилай олмаймиз. Бу масалани иқтисодчи олимларимиз жиддий ўйлаб кўрмоқлари лозим.

Халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда республикалар ва регионлараро малакали, катта иш тажрибасига эга бўлган ва кадрларни алмаштириш катта аҳамиятга эга экани ҳаммамизга маълум. КПСС XXVII съездидан кейин бу ижобий тажрибани кенгайтиришга яна ҳам катта эътибор берилмоқда. Ҳозир республикамиздаги кўплаб раҳбарлик лавозимларида мамлакатимизнинг марказий районларидан, қардош иттифоқчи республикалардан келган кадрлар катта ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб боришмоқда. Ўзбекистонлик партия, совет органлари раҳбар ходимлари ҳам бошқа жойларга бориб ишлашга таклиф этилмоқда. Бу тажрибадан бошқалар бизга иш ўргатгани, бизникилар эса фақат иш ўргангани боради, деб хулоса қилиш хато бўлур эди. Ижобий ютуқлар ва нуқсонлар ҳамма ерда озми-кўпми бор. Негатив ҳодисалар гарчанд регионал хусусиятларга эга бўлса ҳам, улар умумий негизга эга бўлиб мамлакатимизнинг ҳамма районлари учун ҳам тааллуқлидир. Кадрлар алмашиш — тажриба алмашишдир, иқтисодий ва маданий тараққиётга янада кўпроқ ва кенгроқ имкониятлар қидиришдир. Янги шароитларда ишлаётган кадрлардан талаб қилинадиган сифатлар — юксак амалий малака, бой тажриба, ғоявий-сиёсий етуклик, интернационализм, совет ватанпарварлиги ғояларига сўз билан эмас, балки қалб қўри билан, виждон билан садоқатли бўлишдир. Шунинг учун янги раҳбар кадрлари, маҳаллий шароитлар, имкониятларни яхши билиб, халқнинг урф-одатлари, маданияти, тилини ҳурмат қилган тақдирдагина муваффақиятли иш олиб боришлари мумкин. Бу борадаги В. И. Ленининг буюк ғоялари ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Агар кимки бирор республикага, бирор маҳаллий ёки миллат манфаатини ҳимоя қилиш учун келдим, деб ўйласа бу сиёсий қалтабинликкина эмас, балки ғоявий тубанликнинг ифодаси бўлади.

Ҳозирги кунда ҳар бир миллат ва халқнинг социал тараққиёти масаласини ўрганиш катта аҳамият касб этмоқда. Бу масала хусусида, айниқса Ўзбекистонда кўпроқ ўйламоқ, амалий тадбирларни бажармоқ керак. Ҳозирги кунда республикамизда маҳаллий аҳолининг деярли 80 проценти қишлоқларда, колхоз ва совхозларда ишлайди. Ўзбекистонда маҳаллий миллатлардан ишчилар синфининг шаклланишига йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошларида катта эътибор берилди. Ана шу йилларда, саноатнинг ривожланиши билан бир қаторда, маҳаллий ишчилар синфининг ўзаги шаклланди, бу борада маълум ютуқларга эришилди. Лекин 30-йилларнинг ўрталарида, пахтачиликни юксалтириш учун кураш кучайган бир даврда, бу муҳим масала эътибордан четда қолиб кетди.

Маҳаллий миллат деҳқонлари пахтачилик борасида бой тажрибага эга бўлгани учун қишлоқларда қолди ва янги ўзлаштирилган ерларга кўчирилди. Янги қурилган шаҳарлар ва саноат корхоналарининг ишчилари асосан марказий районлардан кўчиб келган кишилар ҳисобига ошиб борди. Бу масалага кейинги йилларда ҳам етарли эътибор берилмади. Саноатнинг йирик соҳалари, айниқса машинасозлик соҳасида, маҳаллий ишчиларнинг сони тараққиёт талаблари даражасида ўсмади. Демак, бу масаладаги камчиликлар маҳаллий миллат вакилларининг қолоқлиги, улар капитализмни четлаб, социализмга ўтганлиги, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо соҳасига эътиқоди кучли бўлганлиги билан эмас, балки, маҳаллий раҳбар ташкилотлар йўл қўйган хатолар, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларида бор бўлган имкониятлардан фойдалана олмаганлигимиз туфайли содир бўлди.

ҲОЗИРГИ кунда республика партия ташкилоти маҳаллий миллат вакилларидан малакали, замонавий саноат корхоналарида унумли ишлай оладиган ишчи кадрларини тарбиялашга жиддий эътибор бермоқда. Сўнгги йилларда қўлга киритилган ютуқлар бу муҳим сиёсий-ижтимоий масалани ҳал этишдаги биринчи қадамлар халос.

Миллий муносабатларни такомиллаштиришда ҳар бир халқнинг маданияти, прогрессив урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқ керак. Бу масалада сўнгги уч-тўрт йил давомида маълум камчиликларга, кўполликларга йўл қўйилдики, уларнинг оқибатларини тугатиш ҳозирги кунниинг муҳим вазифасидир. Бу борада миллий тилларнинг ривожланишига жиддий эътибор бермоқ зарур.

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда улуғ рус тилининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шу тил туфайли турли миллатлар ва элатларнинг вакиллари бир-бирини тушунади, фикр алмашади. Рус тили туфайли мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаётидаги юксалишлар ниҳоятда тезлашди, турли миллатларнинг фикр-туйғулари бой маданиятини ўрганиш ва ўзлаштириш имкониятини кенгайди. Бундан кейинги тараққиётимиз жараёнида ҳам рус тилининг жамиятимиз тараққиётида ўйнайдиган прогрессив роли янада ортиб бораверади. 70, 80-йиллар бошларида рус тилини ўрганиш борасидаги «оламшумул ютуқлар» ҳақида гап кўп бўлди-ю, лекин амалий самара кам бўлди. Қишлоқ аҳолиси ўртасида, умуман таълим мактабларида, ҳатто олий ва махсус ўрта билим юртларида рус тилини ўрганиш замон талабларидан ортда қолиб кетди. Бу эса жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган қатор имкониятлардан етарли фойдалана олмасликка олиб келди.

Миллий тилларни ўрганиш ва ривожлантириш борасида маълум камчиликлар мавжуд. Очиғини айтганда сўнгги йилларда бу масалага эътибор камайиб кетди, маҳаллий зиёлиларимизнинг маълум қисми ўз она тилида равон сўзлай олмайдиган, мукаммал илмий асарлар, ҳатто бирон мақола ёза олмайдиган бўлиб қолди. Кўпчилик илмий ташкилотларда илмий асарлар асосан рус тилида тайёрланди, рус тилини мукаммал билмайдиган кишилар уларни ўқиш ва ўрганиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди.

Республика Фанлар академияси тарих институти 1981-1987 йиллар ичида тайёрланган илмий асарларнинг 70 проценти рус тилида, 20 проценти хорижий тилларда, фақат 8 процентигина ўзбек тилида нашр этилди. Табиатшунослик соҳасидаги илмий тадқиқот институтларида ўзбек тилида тайёрланган ишларнинг сони бундан ҳам камдир.

Мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган юзлаб олий ўқув юртлари бор, лекин СССР халқларининг тиллари бирор ерда ҳам ўқитилмайди. Ахир совет кишиси учун латиш ёки қозоқ тилини билишнинг аҳамияти испан ёки эрон тилини билишдан кам бўлмаса керак. Республикада европалик ўртоқлар томонидан ўзбек тилини ўрганишига ҳам эътибор берилмади. Яқин йилларда бу масалани ўртага қўйишнинг ўзи ҳам мумкин эмас эди. Республикамизда ўзбек тили рус тилидан кейинги иккинчи фикр алмашиш воситасидир. Ахир қозоқлар, татарлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, уйғурлар, тожиклар кўп вақт бир-бири билан рус ва ўзбек тилларида мулоқот қиладилар. Баъзи областларимизда эса миллат ўртасидаги муносабатларда рус, ўзбек, тожик тилларидан фойдаланилади. Биз бу нарса ҳақида кам гапирсак ҳам бу реал ҳақиқатдир. Ҳозир бу ҳодисани ҳисобга олмаслик ёки четлаб ўтиш мутлақо мумкин эмас. Рус мактабларида ўзбек тилини ўқитиш асосан «хўжа кўрсинга» олиб борилмоқда. Кўп йиллар ўзбек тилини ўқиган ёшлар мактабни битиргач, ўзбек тилида бирорта жумла туза олмаслигини нима билан изоҳлаш мумкин. Бунинг сабаби шуки, бу борада биз етарли ихтиёр ва зарурат туғдирмадик. Ўзбек тили ҳам қадимги тиллардан бўлиб социализм шароитида бошқа миллатларнинг, биринчи навбатда рус тилининг таъсири остида ниҳоятда ривожланди. Унинг бой сўз фонди, мукаммал ва кўп қиррали ифодалаш имкониятлари Навоий, Бобур, Нодира, Муқимий, Фурқат, Ғ. Ғулом, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Э. Воҳидов, А. Орипов поэзиясида, А. Қодирий, А. Қаҳҳор, Ойбек прозасида, марксизм-ленинизм асосчилари, жаҳон фани ва маданиятининг классиклари асарларини таржима қилишда яққол исботланди. Улкан рус олимлари В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, А. В. Боровиков, В. Решетов ва бошқалар ўзбек тилини мукаммал билар, унинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган эдилар. Ахир мақсаддош, маслакдош, елкадош кишиларнинг тилини билиш уларнинг келбига, фикрига яқинроқ йўл топишнинг йўли-ку.

Республикамизда фақат рус, ўзбек тилларини ривожлантириш, ўрганиш борасидагина гапириш етарли эмас. Тилни қадрлаш—миллатни қадрлаш демакдир. Миллатлар ўртасидаги тенглик, тенгҳуқуқлик масаласи тиллар ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқлидир. Биз Ўзбекистонда тожик, қозоқ, татар тили ва бошқа тилларга эътибор масаласини ҳам унутмаслигимиз керак. Республика маориф ва олий таълим министрликлари Бухоро, Самарқанд областларида тожик тилида ўқитиладиган мактаблар сонини кўпайтириши, бу ерлардаги олий ўқув юртларида эса шу халқ тилида дарс олиб бориладиган группаларни кўпайтирмоғи зарур деб ўйлайман, Тошкент, Сирдарё областларида қозоқ, татар тилида ўқитиш имкониятларини кўпайтирмоқ зарур. Бу масала миллий ғиссиётлар, миллий манфаатлар билан боғлиқ эканини унутиб бўлмайди. Миллат мавжуд экан миллий манфаатлар ҳам бўлади, уларни менсимаслик ёки четлаб ўтиш мумкин эмас. Миллий манфаатлар ҳақида гапириш миллатчилик эмас. Агар миллий манфаатлар бўрттирилса, бошқа халқларнинг манфаатларига онгли равишда қарама-қарши қилиб қўйилса шу тақдирдагина — миллатчилик, миллий эгоизм формасига кириши мумкин. Республика манфаатлари ҳақида гапиришни ҳам ҳамма вақт фақат маҳаллийчилик деб қараш мумкин эмас.

Мамлакатимизда қайта қуриш, жадаллаштириш жараёни собит қадамлар билан бормоқда. Бу тарихий, масъулиятли вазифаларни бажаришда миллий муносабатларни адолатли равишда ривожлантириш масаласини асло эътибордан четда қолдириб бўлмайди.



Ленин Мирзачўл харитаси олдида

Суғориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга ўтишни беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди.

В. И. ЛЕНИН.

Ленин ўйчан Мирзачўлнинг
харитаси ёнида,
Қадим чўлнинг нақ қалбини
тинглар ўнг кафтин қўйиб.
Блокнотли чап илки ҳам
тиралган бикинида,
Мирзачўлга олиб қочмиш
чексиз орзуси, ўйи.
Гўё қумлар оташ тафтин
кўнгли сезиб тургандек,
Яйдоқ чўлнинг чанг бўронн,
гувлаши бўлиб аён,
Дайди қумлар кўчишини
кўз ўнгида кўргандек,
Чатнаб, тарс-тарс ёрилган ер
бўлур унга намоён.
Харитага боқар тақрор
тошкин фикри бошида,
Мирзачўлни чамаларди
эгри-бугри шакллан,
Ниманидир ҳал этарди,
шу доно қарашида,
Ҳар чизиқни таҳлил этиб
ўтказар дил, ақлдан.
Харитадан нарн кетиб
узоқроқдан бўёларкан,
Блокнотни тизга қўйиб
шоша-пиша ёзар у.
Нарн-бери тез-тез юриб,
келажакни ўйларкан,
Назаримда чўл қўйнида
ушбу онда кезар у.
Харита-ку сўзламасди,
бироқ кўрсатар аниқ:
На бир қишлоқ, на бир
жонзот, на бир томчи сувн
бор.
Неча аср қақраб ётар,
ловуллаб, бағри ёниқ,
Унда-бунда саксовуллар,
кўксин босган тиканзор.
...Владимир Ильич шундай
хаёлдан ўтказаркан,
Қоматини ростлаб аста
орқага ташлаб бошин,
Офтоб мисол ярқираган
пешонасин силаркан.
Гоҳ полвондек оёқ тираб
ушлаб турар ёнбошин,
Тийрак кўзлар нигоҳидан
ёғилар меҳрнгиб,
Гоҳ камзули қўлтиғига
бекитиб сўқир қўл,
Ўзбекистон чеҳрасида
бир сеҳр оҳанрабо.
Харитада фикри-зикри,
Кафтдай текис чексиз чўл.
«Ҳм, ҳм» — дея, тахрор-
тахрор Мирзачўлга қарар у.
Бу «Ҳм»ларда қанча маъно,
қанча ўйлар таҳлили,
«Ҳм, ҳм» — дея, у
бурчакдан — бу бурчакка
борар у,
Блокнотга кўчирилар
буюк фикрин мақсули.

Барот ИСРОИЛ.

Миш-мишлар ва ҳақиқат

Болакай уйи олдида ўйнаётиб...

Кеча эрталабдан редакцияда телефон қўнғироғи жиринглади. Ҳаяжонланган бир аёл Юнусободда магнит минаси топилгани ростми, деб сўради. Кечгача ана шундай мазмундаги қўнғироқлар кўпгина бўлди. Айрим шаҳарликларнинг асабига ғулув солувчи миш-миш яшин тезлигида шаҳарга тарқалар, унга тоғ чўққисидан тушаётган қор кўчкиси каби бир-биридан хунук, ёлғон тафсилотлар қўшиб-чатилар эди. Овозалар шу даражага бориб етдики, энди гап танкка қарши бошқариладиган ракета снаряди ёки бутун бошли қурол-аслаҳа омбори ҳақида борар эди...

Буларнинг ҳаммаси беъмани, ёлғон гаплар. Бизга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармасидан маълум қилишларича, аслида воқеа бундай бўлган.

86-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Илҳом Ғаниев 3 ноябрь куни ўз уйи ёнида (Юнусобод массиви, 7-квартал, 40-уй) ўйнаётиб, хазон орасидан... граната топиб олибди. Болакайга тан бериш керак. У топилдиқ ҳақида катталарга маълум қилган. Улар воқеани ўз навбатида участка милиционерига, у эса дарҳол Ички ишлар бошқармасига етказибди. Етиб келган оператив группа эҳтиёт чораларини кўриб, хавфли топилдиқни қўлга киритибди.

Топилдиқ бутун эҳтиёт чоралари кўрилган ҳолда мутахассислар томонидан текширилибди. Мана уларнинг қатъий хулосаси: топилдиқ танкка қарши мўлжалланган УПГ—8 машқ гранатаси экан. У мутлақо хавфсиз бўлиб, ўқув машғулотлари учун мўлжалланган экан. Ўзимдан қўшимча қиламан, гранатанинг корпуси ҳам бирор бефаросат киши портловчи модда солмаслиги учун пармаланган махсус тешикларга эга эди. Бор гап мана шу.

Миш-мишлар, миш-мишлар... Улар нақадар тез тарқалади. Мисол учун, яқинда ЦУМда содир бўлган воқеа ҳақида. Бу воқеа ҳақида шаҳарда қандай овозалар бўлмади. Аслида-чи? Қандайдир телба безорилик қилиб, ахлат қутисига вақт рельсини ишлатиб, машқ учун мўлжалланган портлатувчи қурилмани ташлаб кетибди. Табиийки, унинг ичида ҳеч қандай портловчи модда бўлиши мумкин эмас эди.

Яна миш-мишлар ҳақида. ЦУМ ёпиб қўйилган эмиш, деган овозалар юрибди. Бўлмағур гап. Республика пойтахтининг йирик савдо маркази ишлаяпти, у байрам арафаси кунлари оддий кунларга нисбатан гавжум. Кўпгина товарларнинг янги туркумлари олинган.

В. ДЕНИСОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Илҳомбахш мавзу





Ҳозир совет халқи ва бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини нишонламоқда. Мана шу қисқа давр мобайнида бепоён мамлакатимиз ҳаёти тубдан ўзгарди, жаҳонда энг қудратли давлатлардан бирига айланди. Бугунги фаровон турмушимизга асос солган ўша инқилоб йилларни, ўша давр воқеаларини биз учун қимматлидир. Шу сабабли бўлса керак, тарихий-инқилобий мавзудаги фильмларни эҳтиёт билан томоша қиламиз. Айниқса, буюк пролетариат доҳийси Владимир Ильич Ленининг ҳаёти ва иш фаолиятига бағишланган «Ленин Октябрда», «Ленин 1918 йилда», «Миллионлар қиши», «Аппасионат», «Революция номи билан», «Аср бошида», «Инқилоб сари биринчи қадам», «Ленин Парижда» каби картиналар юракларни ҳаяжонга солмай қўймайди. Улар совет халқининг янги авлодини коммунистик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, революцион ғояларни тарғиб қилишда, барча ундан қадрли бўлган Ленин образини, у яшаган даврни янада ёркинроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Ўзбек совет кинематографчиларн ҳам ота-боболаримизнинг инқилоб йилларн кўрсатган мардлиги, қаҳрамонлиги ҳақида ўлмас бадиий фильмлар яратишган. Бу ўринда авваламбор 70-йилларда ишланган марҳум режиссёр Комил Ерматовнинг «Инқилоб чавандозлари», «Оснё устида бўрон», «Қора консулнинг ҳалокати» фильмларини тилга олиш жоиздир. Уларда ўзбек халқининг ўз озодлиги, советлар ҳукумати учун олиб борган мардонавор кураши тасвирланади. Бу, албатта, осонликча бўлгани йўқ. Фильм ижодкорлари ишга масъулият билан ёндошиб, тарихий материалларни қайта-қайта ўрганишган. Ўша давр воқеаларини кино тили орқали томошабинларга ҳаётий, жонли деталлар воситасида ёритиш учун босмачиларга қарши курашган, чоризм ва маҳаллий бойлар, домла-имомлар зулмидан бош кўтарган заҳматкаш халқни Ленин байроғи остига тўплаб, ҳақ йўлга бошлаган йўлбошчи коммунистлар билан суҳбатлашишган...

Режиссёр Йўлдош Аъзамовнинг «Бешовлон Фаргонадан» деб номланган картинаси биринчи ўзбек комсомоли Абдулла Набиевга бағишланган бўлиб, унда Туркистон комсомол ёшларининг революция ишига содиқлиги, босмачиларга қарши курашн ҳақида ҳикоя қилинади. Режиссёр Равиль Ботиров ҳам «Дорбозлар» фильмида инқилоб мавзусини ўзига хос шаклда ёритади. Картина воқеаларн 20-йилларда кечади. Таниқли дорбоз Тоштемир (актёр Раззоқ Ҳамроев) ва унинг невараси Алижон (актёр Рустам Саъдуллаев) Қизил Армияга босмачиларни топишда кўмаклашади. Душман айғоқчиси улар-

«Фавқулодда комиссар» бадиий фильми ўзининг оригиналлиги, тасвирий бўёқларга бойлиги, воқеалар мантиқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланганлиги билан қимматлидир. Картина марказида гражданлар урушн қатнашчилари, коммунистик партиянинг йирик намояндаларн Низомиддин Хўжаев ва Пётр Кобозевлар образларн туради. «Шижоат» номли фильмда Октябрь революциясн туфайли юз берган ўзгаришлар, паранжига қарши кураш, шарқ аёлларн озодлигн мотивларн тараннум этнладн. Таниқли режиссёр Учқун Назаров ҳам «Алангали соҳил» (1973 йил), «Қўқон воқеаси» (1977 йил) каби фильмларн билан инқилоб даврн тўғрисидаги тасаввурмизни, тушунчамизни янада бойитади, мукаммаллаштиради. Афсуски, кейинги пайтда мана шундай, бадиий жиҳатдан пухта, жозибали фильмлар ишланмаяпти. Тўғри, Майна Ҳасановага бағишланган «Афсонага айланган қиз» (режиссёрлар А. Акбархўжаев, Ю. Базаров), инқилоб қуйчиси Ҳамза ҳақидаги «Оловли йўллар» (режиссёр Ш. Аббосов), Ўзбекистоннинг биринчи президенти Й. Охунбобоевга бағишлаб ишланган «Улкан ва қисқа ҳаёт» (режиссёр Й. Аъзамов), шунингдек, «Муҳаббат ва нафрат» (режиссёр Ғ. Ботиров) «Пароль: «Регина меҳмонхонаси» (режиссёрлар Й. Аъзамов, З. Ройзман), «Қиз узатиб борганда» (режиссёр У. Назаров) каби картиналар экранларга чиқди. Уларда тарихий жараён ҳар томонлама кўрсатилган. Лекин қалбларни ҳаяжонга келтирадиган даражада эмас. Кўп воқеалар ҳаётий ҳақиқатдан йироқ бўлиб, томошабинни ишонтирмайди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллик тўйига ўзбек кинематографчилари янги фильмлар билан келишди. Чунончи, режиссёр Д. Салимов икки серияли ибрат «Ҳаёт мазмуни» номли бадиий фильмни яратди. Унда республикамиз партия ва давлат арбоби Усмон Юсуповнинг ҳаётн ҳамда иш фаолиятн ёритилган. Кинонжодкор Мелис Абзаловнинг «Армон» фильмида ҳам ўзбек халқининг инқилобдан кейинги турмуш ўз аксини топган. Режиссёр З. Ройзманнинг «Инқилоб ваколат берган» картинаси эса 1919—1920 йилларда Туркистонда бўлиб ўтган энг ёркин ҳодисаларни ўз ичига қамраб олган.

Умуман, тарихий-инқилобий мавзуда яратилган фильмлар ўзгача бир қизиқиш билан томоша қилинади. Улар ёркин бўёқларга бойлиги билан ажралиб туради. Фақат улардагина куй, қўшиқ ва турли хил оҳанглар қаҳрамонлар характерини чуқурроқ тушунишда, воқеалар мазмунини янада тўлароқ англашда, қолаверса, ўша даврни қайта идрок қилишда муҳим аҳамият касб этади, десак муболаға бўлмас. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, бунда актёрлар ижроси, турли тасвирий восталар ҳам бирбири билан уйғунлашиб, ёркин таассурот қолдиради. Чунки уларда ватанимиз тарихи, инқилоб йилларн акс этган. Шунинг учун ҳам бу мавзу ижодкорларимизга ҳамиша илҳом манбан бўлиб хизмат қилиб келади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

СУРАТЛАРДА: «Инқилоб чавандозларн» ҳамда «Муҳаббат ва нафрат» фильмларидан лавҳалар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Байрам дастурхонига



ҚУЙИДА БИЗ ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН ТАОМ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗНИ БЕЗАЙДИ ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ. УНИ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИ БИЛАН ТАНИШИНГ.

Балиқли таом

Масаллиқ: 400 грамм қилтаноқсиз балиқ гўшти, 5-6 бўлак буғдой нони, ош қошиғида сут ёки сув, 2 ош қошиғида ун, яримта тухум, янчилган мурч ва туз таъбга кўра.

Қийма учун 1 тухум, 2 бош кўк пиёз ва таъбга кўра туз олинади. Дўнгпешона балиқ гўшти билан сут ёки сувда олдиндан бўктириб қўйилган нонни қиймалагичдан ўтказиб, унга туз, мурч аралаштирилади.

Ҳосил бўлган масаллиқ доира шаклида тақсимланиб, ўртасига сувда қайнатилган тухум ва кўк пиёз майдалаб солинади. Кейин доира учлари бирлаштирилиб, шар формаси берилади ва унга булғаб олинади. Шундан сўнг, тухумга ботириб олиб, қип-қизил қовурилган тўртбурчак шаклидаги оқ нонга чапланади ва кўп миқдордаги қиздирилган ўсимлик мойига солиб яхшилаб қовуриб олинади. Тайёр бўлган таом ликопчаларда дастурхонга тортилади.

ТИРИК ДЎНГПЕШОНА БАЛИҒИНИ, ШУНИНГДЕК САБЗАВОТ, КАРАМ, САБЗИ, ЛАВЛАГИ, ПИЁЗНИ СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРИ

ХАРИДОРЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1 — Йўлдош шаҳарча, Марказ-3, 3-уй;
2 — «Феруза», Йўлдош шаҳарча, 39-квартал;
4 — Йўлдош шаҳарча, 16-квартал, 69-уй
19 — Сергели — 1, 67-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 58-36-29).

Мазали ва хушбўй

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ УЧУН «ДЮШЕС», «ЯБЛОКО», «МАНДАРИНОВИЙ», «РОҲАТ», ПЕПСИ-КОЛА ИЧИМЛИКЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ ЁДИНГИЗДАН ЧИҚМАСИН.



АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИГАН ХАРИДОРЛАРГА МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ.

6 — Фарҳод кўчаси, 9-уй (54, 59-автобус);

13 — Ғафур Ғулом кўчаси (4, 9-трамвай, «Москва» кафеси» бекати).

16 — Подмосковная кўчаси, 24-квартал, 40-уй (41-автобус);

18-, 21-квартал, 1-уй (13, 33, 75-автобуслар),

22— Уйғур кўчаси, Бешқайрағоч бекати (53, 64, 79, 87-автобуслар).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

Қадрли тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонлари!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

БАЙРАМОЛДИ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИ СИЗЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ:

6 ноябрга қадар ҳар куни соат 12 дан 18 гача районларда кўргазмали савдо ўтказилади. Унда турли кулинария маҳсулотлари, гўшт, балиқ, парранда, сабзавотлар, ширинликлар, ун маҳсулотлари кенг ассортиментда реализация қилинади.

ҚЎРГАЗМАЛИ САВДО:

Октябрь районидаги—**«Москва» меҳмонхонаси олдида;**
Собир Раҳимов районидаги—**Қорақамиш бозори олдида;**
Ленин районидаги — **Темирйўлчилар саройи олдида;**
Куйбишев районидаги — **«Болалар дунёси» магазини олдида;**
Фрунзе районидаги — **Фрунзе савдо маркази олдида;**
Чилонзор районидаги — **«Чилонзор» савдо маркази олдида;**
Киров районидаги Юнусобод массивининг — **«Орзу» кафеси олдида;**
Акмал Икромов районидаги—**Фарҳод ва Қатортол кўчаларида;**
Сергели районидаги — **Совет Армияси майдонида**

ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

БУНДАН ТАШҚАРИ 10 НОЯБРГАЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ ОИЛИГИ МОБАЙНИДА СИЗ ШАҲРИМИЗДАГИ РЕСТОРАНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАОМЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН. **Жумладан,** «ЗАРАФШОН» (Киров ва Карл Маркс кўчалари муюлиши), «ТОШКЕНТ» (Ленин кўчаси), «ШОДЛИК» (Пахтакор кўчаси, 5-уй) **ресторанларида ўзбек таомлари: «БАҲОР»** (Куйбишев кўчаси, 8-уй) **ресторанида қирғиз, туркман таомлари; «ДЎСТЛИК»** (Навоий ва Энгельс кўчалари муюлиши) **ресторанида украин, белорус таомлари; «ЛЕНИНГРАД»** (Усмон Юсупов кўчаси, 5-уй) **ресторанида арман, грузин таомлари; «РОССИЯ»** (Сапёрлар майдони) **ресторанида рус таомлари; «ФЕСТИВАЛЬ»** (Новоузбекистанская кўчаси) **ресторанида озарбайжон таомлари; «ДРУЖБА» кафесида латиш, литва, эстон таомлари тайёрланади.**

Шунингдек «ЗАРАФШОН», «ТОШКЕНТ», «РОССИЯ», «ДИЛБАР», «ФЕСТИВАЛЬ», «БЕГА» ресторанлари оилавий овқатланиш учун буюртмалар қабул қилади.

6 ноябрдан шаҳримиз ресторанлари ва кафеларида турли байрам тантаналарини ўтказиш учун ташкилот ва муассасаларидан, алоҳида гражданлардан буюртмалар қабул қилади.

6, 7, 8 НОЯБРЬ КУНЛАРИ БАРЧА РЕСТОРАНЛАРНИНГ ИШ ВАҚТИ ТУНГИ СОАТ 1 ГАЧА УЗАЙТИРИЛАДИ.

6 ноябрь соат 12 дан бошлаб Навоий номли театр олдидаги майдонда умумий овқатланиш корхоналари қандолат ва ун маҳсулотларининг кўргазмали савдоси ўтказилади: кенг ассортиментда гўшт, балиқ, парранда, сабзавот ва турли хамир масаллиқлари бўлади. Бу ерда уста ошпазлар ҳар хил таомлар тайёрлаш бўйича маслаҳатлар беришади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Ҳаммаси – дастурхон безаш учун

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ ФАҚАТ МАЗАЛИ ТАОМЛАРДАН ИБОРАТ ЭМАС. УНИ БЕЗАШ ҲАМ АЛОҲИДА МАҲОРАТ ТАЛАБ ЭТАДИ. БУНИНГ УЧУН ЧИРОЙЛИ ЧИННИ СЕРВИЗНИ, ЯРАҚЛАТИБ ТОЗАЛАНГАН ҚОШИҚ, ВИЛКА ВА ПИЧОҚЛАРНИ, ЖИЛОЛАНИБ ТУРГАН БИЛЛУР ИДИШЛАР-САЛАТДОН, КОНФЕТДОНЛАРНИ ЖОЙ-ЖОЙИГА ҚЎЙИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.



Сопол идишларнинг ҳам байрам дастурхонини безашда ўз ўрни бор. Бироқ сопол идишлар билан биллур идишлар уйғунлашмаслигини ёдда тутмоқ керак. Агар сиз дастурхонни қадимги руҳда безамоқчи бўлсангиз, уни сопол идишлар билан тузатинг. Бу ҳолда дастурхоннинг ранги оқиш эмас, балки катак гулли ёки сидирға рангли бўлиши керак.

Байрам дастурхонини безашда керак бўладиган барча буюмларни Тошкент ЦУМидан сотиб олишингиз мумкин. Бу ерда ГДРда ишлаб чиқарилган 6 ва 12 кишилик ошхона ва чой-кофе сервизлари; мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган биллур идишлар — фужер, бокал, конфетдон, патнис ҳамда гул, мева, конфет, крем солинадиган вазалар;

зангламайдиган пўлат, мельхиор, тилларанг мельхиордан ишланган (Оржоникидзе, Тошкент, Павлово, Кольчугада ишлаб чиқарилган) 6, 12 ва 24 кишилик қошиқ, пичоқ, вилька термалари;

сопол идишлар: чой ва ошхона термалари, коса, кўза, пиёлалар бор.

ЦУМ 5 ВА 6 НОЯБРДА СОАТ 22.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЦУМ (телефон 56-77-91).

Байрам руҳига мос

АЁЛЛАРИМИЗГА КЎРКАМ ДУРРАЧА, ЎЗЛАРИ ЁҚТИРГАН ХУШБЎЙ АТИР, ЭРКАКЛАРГА ЭСА ХУШБИЧИМ КОСТЮМГА ЯРАШИБ ТУРАДИГАН ЯНГИ ГАЛСТУК БАЙРАМ КАЙФИЯТИНИ БАҒИШЛАЙДИ.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»

МАГАЗИНЛАРИ

ХАРИДОРЛАРГА ХИЛМА-ХИЛ УПА-ЭЛЛИК, КОСМЕТИКА ВА ГАЛАНТЕРИЯ ТОВАРЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК РЎМОЛ ВА ГАЛСТУКЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

5, 6 ноябрь кунлари «ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ»га қарашли барча йирик магазинларнинг иш вақти 2 соатга узайтирилганлигини эслатиб ўтамиз.

9 НОЯБРЬ КУНЛАРИ КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА ВА ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА БАЙРАМ САВДОСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ».



Биллур идишлар–дастурхон кўрки



ДАСТУРХОНДАГИ БИЛЛУР ИДИШЛАР — ВАЗАЛАР, БОКАЛЛАР, САЛАТДОНЛАР ЎЗИГА ХОС ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИБ МЕҲМОНЛАРГА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТАДИ.

ШАҲРИМИЗНИНГ ЦУМ, ГУМ, ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА ҲАМДА «ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА БИЛЛУР ВАЗАЛАР, ГУЛДОНЛАР, САЛАТДОНЛАР, КОНФЕТДОНЛАР, БОКАЛЛАР, ҚАДАҲЛАР, ГРАФИНЛАР СОТИЛЯПТИ.

«УЗХОЗТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-07-12).

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармонияси бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7-8 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИК-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ЛАЗГИ»

Вокал-хореографик ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЁҚУБОВА, Фоза СОЛИҲОВА.

Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивали лауреати

Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА.

Москвада бўлиб ўтган Жаҳон фестивали лауреати

Отамурод ҲОЖИЕВ

Солистлар: Гулуммат СОБИРОВ, Феруза МИРЗАДОВА, Муаззам ҒАФУРОВА, Гўзал МАНСУРХЎЖАЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари —Ўзбекистон ССР хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Балетмейстер —Темур ТИКОЕВ.

Музика раҳбари — Раҳматжон ҚУРБОНОВ.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«Куз уйқуси»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи — А. Дударев.
Режиссёр — И. ДОБРОЛЮБОВ.
Ролларда: Д. НОВИКОВ, С. ПЛОТНИКОВ, Г. КАРОВА.

Уч қария: Ганна, Васил ва Микита — фильм бош қаҳрамонларидир. Улар ўз умрларини қўлга қолган Вежки қишлоғида ўтказишмоқда. Янги жойлашган шаҳар қишлоқнинг барча одамларини токи, ҳаётнинг ўзини ҳам ўз домига тортгандек туюлади...

«БЕЛАРУСЬФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ



Тошкент Давлат цирки

Москва цирки артистларининг гастроллари

ПРОГРАММАДА — «ЭКЗОТИК ҲАЙВОНЛАР НАВАЛИ» ЯНГИ АТТРАКЦИОНИ

Бадиий раҳбар ва ҳайвон ўргатувчи—Озарбайжон ССР хизмат кўрсатган артистка ЖАМИЛА ШИРИНОВА.

ҚАТНАШАДИЛАР: **ўргатилган Африка бегемотлари, Америка ламалари, Шотланд пакана отлари, маймунлар, тулкилар, пушти ранг пеликанлар, улаклар.**

Томошалар: соат 19.30 да; шанба куни — соат 19.00да; якшанба куни — соат 12.00, 15.00, 19.30 бошланади.

5 ноябрдан 10 ноябргача томошалар: соат 13, 16 да бошланади.

Олдиндан билетлар сотиш кассалари очиқ.

Кассалар дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 ишлайди.

Коллектив заявкалар навбатдан ташқари қабул қилади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91 — касса, 35-84 — администратор.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XI да **Қутлуғ қон,** 6/XI да **Аризасига кўра.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XI да **Нурхон,** 6/XI да **Мангулик.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XI да **Чернобиль алангаси** (19.00), 6/XI да **Эльфалик меҳмон** (12, 14.00), **Қора камар** (19.00, премьера).

Кино

5 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «БОСҚИНЧИЛИК», «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (17, 20.00); «СЕВГИ АФСОНАСИ» (17, 19.30).

Чайка — «БОСҚИНЧИЛИК» (17, 19.00), «КАРНАВАЛ» (16, 21).

Ватан — «ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» (жуфт соатларда).

Нукус — «ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАР» (17, 20.45); «ЗЎР ЎТИРИБМИЗ» (ўзбек тилида, 19.00 да).

Қозоғистон — «ҚАЛЛОБ ИЗИДАН» (17, 18.30, 20.00); «ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОНЛ» (ўзбек тилида, 17, 20.00 да).

Москва — «ҲАЁТ ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАЛЛОБ ИЗИДАН» (16, 18, 19.30, 21.00).

Дружба — «МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ» (17, 21.00;) «ҲАЁТ ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (19.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ПРИЧАЛЛАР» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ДЕНГИЗДАН САДО» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «АКЦИЯ» (тоқ соатларда).

Искра — «КУРЬЕР» (16.00); «ЮЛДУЗ БЎЛИШ ОСОНМИ?» (17.30, 20.00).

М. Шайхзода номли — «ВОДИЛЛИК КЕЛИН», «КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида, 18.30, 20.45).

Ҳамза номли — «КУЗ УЙҚУСИ» (16, 18, 20.00).

Янгиобод — «КУЗ УЙҚУСИ» (18, 20.00); «РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТОЖИ» (16.00).

6 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «БОСҚИНЧИЛИК», «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (11, 14, 17, 20.00); «СЕВГИ АФСОНАСИ» (12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «БОСҚИНЧИЛИК» (17, 19.00); «ЮЛДУЗ БЎЛИШ ОСОНМИ?» (11, 16, 21.00)

Ватан — «ЎТА ЁҚИМЛИ ВА МАФТУНКОР» (жуфт соатларда),

Нукус — «КУРЬЕР» (11, 13, 17, 20.45).

Москва — «ҚАЛЛОБ ИЗИДАН» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАЛЛОБ ИЗИДАН» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Дружба — «МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ» (13, 17, 21.00); «ҲАЁТ ЙЎЛДОШИМНИ ИЗЛАЙМАН» (11, 15, 19.00).

Восток — «ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (11, 13.30); «АКЦИЯ» (16, 18, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «АКЦИЯ» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги —«ДЕНГИЗДАН САДО» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАР» (тоқ соатларда).

Искра — «КУРЬЕР» (12.30); «ЮЛДУЗ БЎЛИШ ОСОНМИ?» (14.45, 17.30, 20.00).

М. Шайхзода номли — «ВОДИЛЛИК КЕЛИН», «КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Ҳамза номли — «ПРИЧАЛЛАР» (12, 14, 16, 18, 20.00).

Янгиобод — «СЕВГИ АФСОНАСИ» (12, 15, 18, 20.30).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-52.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 33-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштириш бошқармаси — 33-37-11.

Октябрь район халқ комитетининг Ички ишлар бўлими раҳбарлиги ва паспортия бюроси ички ишлар бўлими ходими, милиция майори А. Т. Набиев отаси

Тўхтамурод НАБИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-54-32; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р—13109. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.30 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 2504. Тираж — 75.131. Индекс 64690.